

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА РАМЗИЯ АБДУРАХИМОВНА

**МУҚИМИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Philology sciences**

Жўраева Рамзия Абдурахимовна Муқимий асарларининг лексик-семантик хусусиятлари	3
Жўраева Рамзия Абдурахимовна Лексико-семантические особенности произведений Муқими	19
Juraeva Ramziya Abdurakhimovna Lexico-semantic features of Mukimi's works.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	37

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА РАМЗИЯ АБДУРАХИМОВНА

**МУҚИМИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон – 2022

УЎК: 811.512.133'37
821.512.133.091

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.1.PhD/Fil 1543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.ksri.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Искандарова Шарифа Мадалиевна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Курбонова Муҳаббат Матъубовна филология фанлари доктори, профессор Худойберганова Дурдона Сидиковна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги
PhD 03/04 05 2021 Fil 132.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 27 май соат 10⁰⁰
даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уя. Тел: (373) 542-11-43,
e-mail: ksri_info@edu.uz)

Диссертация билан Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг Ахборот-
ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Қўқон
шаҳри, Турон кўчаси, 23-уя. Тел: (373) 542-11-43, e-mail: ksri_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «12» май кун тарқатилди.
(2022 йил «12» май даги 7 рақамли реестр баённомаси)




Д.А.Набиева
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, филол ф.д.,
профессор


В.В.Каримова
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби, PhD


Д.М.Жамолiddинова
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котибидаги илмий семинар
раисининг ўринбосари, филол ф.д.,
(DSc) доцент

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида мумтоз бадиий асарлар матнини этимологик, статистик нуқтаи назардан ўрганиш, жумладан, уларнинг лексик-семантик хусусиятларини диахрон ва синхрон аспектда мукамал тадқиқ этиш алоҳида йўналишлардан бирини ташкил этади. Мумтоз манбаларда қўлланилган лексемаларнинг ўрнини белгилашда бу бирликларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш, луғавий birlikларнинг тарихий тараққиётини кўрсатиш, услубий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида шаклий ва мазмуний моҳиятга эга бўлган тил birlikларига ономасиологик асосда ёндашиш, уларни семантик гуруҳларга ажратиб, функционал-услубий жиҳатларини ёритиш, муайян шоир ижодида қўлланилган луғавий birlikларга хос функционал хусусиятларни ўрганиш, уларни турлича семантик гуруҳларга ажратиш асосларини белгилаш, ҳар қайси семантик гуруҳга мансуб лексемаларнинг нутқий жараёнда намоён бўлиш хусусиятларини мукамал тадқиқ этиш бугунги куннинг зарурий масалаларидан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида юртимизда мумтоз адабий манбаларнинг лисоний, маърифий-бадиий хусусиятларини кенг оммага етказиш масаласига эътиборнинг кучайиши натижасида тадқиқотларнинг мавзу доираси янада кенгаймоқда. Жумладан, маънавиятимизнинг узвий қисми саналган мумтоз матнларнинг адабий-бадиий ҳамда лисоний хусусиятларини тадқиқ этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, «... ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур»¹. Шунга кўра, аждодларимиз меросини пухта ўрганиш, тарихий манбаларнинг тил хусусиятларини чуқур англаш, бадиий имкониятлари ҳамда миллий-маданий жиҳатларини таҳлил қилиш ва уни бугунги авлодга етказиш муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилди. Бу борада Қўкон адабий муҳитининг йирик вакили Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий лирикаси, ҳажвий асарлари, маърифатпарварлик даври адабиёти ва тили ривожига қўшилган ҳисса бўлиб, иждокорнинг бадиий меросини лингвопоэтик асосда тадқиқ этиш, шоир асарларига хос лексик-семантик, шунингдек, функционал-услубий хусусиятларини очиш ҳам долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 21 октябрь, 2019 йил

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик чоғидан бошланган. Ўтган асрнинг биринчи чорагида Н.Остроумов, Ғ.Ғулом, Ҳ.Зарифов, А.Олимжонов, Ғ.Каримов сингари олимлар томонидан шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тадқиқотлар олиб борилган². Жумладан, адабиётшунос олим Ғ.Каримовнинг тадқиқоти шоирнинг таржимаи ҳоли,

² Из дивана Муқими, Ферганского поэта. Изд. Н.Остроумов. Тошкент: 1907; Муқимий баёзи. (Нашрга тайёрловчи: Ғ.Ғулом). – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1938; Зарифов Ҳ. Муқимий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: ЎзРФА нашриёти, 1955; Олимжонов А. Муҳаммад Амин Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953; Каримов Ғ. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970; Муқимий мактублари / Қизил Ўзбекистон – Тошкент, 1941, 8 май; Шайхзода М. Ватан гулзорининг ўтли булбули / Ўқитувчи. – Тошкент, 1943, 5 май; Ойбек. Муқимий асарларида социал типлар / Звезда Востока. – Тошкент, 1947, 7-сон; Шарафиддинов О. Муқимийнинг реакцион адабий оқимларга қарши кураши / Қизил Ўзбекистон. – Тошкент, 1953, 26 сентябрь; Ёқубов Ҳ. Демократ шоир // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1953, 9-сон; Абдуллаев В. Муқимий сатираси / Ўқитувчи. – Тошкент, 1959, 9 сентябрь; Эркинов С. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганишда баъзи қўшимча материаллар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1961, 2-сон; Шокиров А. Муқимий ижодидида тахрир масаласи // Адабий мерос. – Тошкент: Фан, 1971; Муқимийнинг янги топилган сатираси // Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 5-сон; Муқимий – Хаттот // Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 4-сон; Муқимийнинг бир дастхати ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1978, 10-сон; Мадаминов А., Қўшмақов М. Рост йўлга етаклади инқилоб // Гулистон. – Тошкент, 1980, 12-сон; Аҳмедов С. Ўзбек адабиётида саёхатнома // Адабий мерос. – Тошкент, 1986, 6-сон; Турдалиев А. Муқимийнинг янги аниқланган дастхатлари // Адабий мерос. – Тошкент, 1988, 1-сон; Шоир мактуби / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2001, 12 январь; Мадаминов А. Муқимийнинг 140 йиллиги юбилейидаги маъруза материалларидан / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990 йил, 9 ноябрь; «Баччағар» кимга бағишланган / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1992, 3-сон; Болтабоев Ҳ. Ёлланган адабиёт сирлари / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998, 49-сон; Жўрабоев О. Меҳрибони топмадим / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1999, 3 сентябрь; Жўрабоев О. Муқимийнинг «Чўнтак баёзи» // Гулистон. – Тошкент, 1999, 2-сон; Жўрабоев О. Муқимий дастанавислари ҳақида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2000, 5-сон; Жўрабоев О. Оразинг гулзорига бордим / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2001, 9 февраль; Жўрабоев О. Қўлзма манбаларда Муқимий ижоди // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2001, 3-сон; Жўрабоев О. Фитрати фазлу балоғат бўлгусидур шунчалар // Тафаккур. – Тошкент, 2003, 3-сон; Жўрабоев О. Ғафур Ғулом – муқимийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003, 2-сон; Жўрабоев О. Мавлоно Муқимий дунёқараш ва ижодиётининг баъзи жиҳатлари хусусида // ФарДУ ахборотномаси. – Фарғона, 2008, 2-сон; Жўрабоев О. Уқбо ғамин чеккан шоир // Ҳидоят. – Тошкент, 2010, 8-сон; Тожибоев Р. Тарихи зилзилаи Андижон // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2004, 8-сон; Тожибоев Р. Бир адабий чалкашлик хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, 6-сон. Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар (Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1958; Мадаминов А. Янги баёз. – Тошкент: Фан, 1997; Очилов Э. Кўнглум сандадур. – Тошкент: Шарқ, 2009; Турдалиев А. Бог аро. – Тошкент: Akademnashr, 2010.

асарларининг ғоявий-бадий хусусиятларига доир қимматли фикрлар берилганлиги билан диққатга сазовор³.

Муқимий асарларининг матни таҳлили, таҳрири борасида А.Турдиалиев, А.Мадаминов, Р.Тожибоев, О.Жўрабоев, Қ.Пардаев⁴ кабилар томонидан айрим изланишлар олиб борилиб, ижодкор асарлари, асосан сатираларининг тил хусусиятлари Ж.Хамдамов, А.Шомақсудовлар⁵ томонидан монографик асосда тадқиқ қилинган. Мазкур тадқиқотларда Муқимий сатираларининг тил хусусиятлари батафсил таҳлил этилган. Маълумки, шўролар даврида демократ шоирлар номи остида Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлар ижоди фақат ҳажвий асарлари, ижтимоий мазмундаги шеърларига эътибор қаратилиб, ишқий, диний-тасаввуфий мазмундаги лирик шеърлари тадқиқотларда кенг ёритилмаган. Шунга кўра, тадқиқотимиз Муқимий лирик асарлари тилининг лексик-семантик ва услубий-функционал хусусиятлари таҳлилига бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Фарғона давлат университети ҳамда Қўқон давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилни систем-структур ва функционал асосда тадқиқ этиш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Муқимий асарларида қўлланилган луғавий бирликларни структур-семантик ва функционал-услубий хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мумтоз манбалар тилини семантик асосда ўрганиш муаммоларини таҳлил этиш;

шоир асарларидаги лексемаларнинг генетик таркиби ва уларнинг аслият билан семик мутаносиблигини аниқлаш;

Муқимий асарларида қўлланилган луғавий бирликларни семантик гуруҳларга ажратиш;

ижодкор асарларида қўлланилган ономастик бирликларнинг тарихий-этимологик хусусиятларини кўрсатиш;

Муқимий шеърларида қўлланилган «шахс», «макон», «замон» семали лексемаларнинг функционал табиатини ёритиш;

шоир асарларида қўлланилган лексемаларнинг функционал-услубий хусусиятларини очиш;

шоир шеърларида қўлланилган кўчимларни аниқлаш, уларнинг лингвопоэтик табиатини ёритиш;

³ Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти: Филол.фан.докт. ... дисс. – Тошкент, 1961.

⁴ Турдиалиев А. Муқимийнинг янги аниқланган дастхатлари // Адабий мерос. – Тошкент, 1988, 1-сон; Мадаминов А. Муқимийнинг 140 йиллиги юбилейидаги маъруза материалларидан / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990 йил, 9 ноябрь. Тожибоев Р. Бир адабий чалкашлик хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, 6-сон. О.Жўрабоев. Муқимий назмининг назокати // ЎЗАС, 2020, 34-сон. Пардаев Қ. У. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс.– Тошкент, 2020.

⁵ Хамдамов Ж. Демократ шоир Муқимий асарларининг луғат состави. Филол.фан.номз. ... дисс. Самарқанд, 1956. Шомақсудов А. Муқимий сатираси тили: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1968.

ижодкор асарларидаги услубий воситаларнинг ўрнини белгилаш;
Муқимий асарларида қўлланилган фразеологизмларнинг услубий хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти. Муқимийнинг лирик шеърлари, айрим сатиралари тадқиқот объекти қилиб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Муқимий асарларида қўлланилган луғавий бирликларнинг структур-семантик ва услубий-функционал таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини ақс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Муқимий асарларидаги арабча, форс-тожикча, русча-байналмилал лексемаларнинг энантиосемик ва ҳосила маъноларининг генетик таркиби ҳамда уларнинг аслият билан семик мутаносиблиги аниқланган;

шоир яшаган даврга оид *авлиё, бидъат, бисот, дастор, қабо* каби лексемаларнинг маъно кенгайиши ва торайишига хос, уларнинг тараққиётида рўй берган семантик, услубий ва функционал ўзгаришлар далилланган;

Муқимий лирик шеърларидаги луғавий бирликларнинг шахс, белги, ўрин, пайт маъноли парадигмалари белгиланиб, уларнинг бадиий матн таркибидаги тарихий-функционал ва услубий-семантик хусусиятлари асосланган;

ижодкор томонидан қўлланилган *Макайликхон, Уммисибъён, Фурқат* антропонимлари ва *Хўтан, Бадахшон, Наманган, Хўқанд* топонимларининг юзага келиши ва тараққий этишидаги тарихий-этимологик хусусиятлар аниқланиб, иждоқорнинг бадиий маҳоратини белгиловчи биоморф, фазовий, зооморф, орнитонимик кодли индивидуал ўхшатишлар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муқимий асарларининг лексик-семантик тадқиқи амалга оширилиши натижасида олинган хулосалар ўзбек тили тарихи, семасиология соҳаларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, услубшунослик ва соҳавий лексик системага доир тадқиқотлар яратишда хизмат қилиши асосланган;

Иждоқор асарларининг лексик-семантик мавзу гуруҳларига мансуб номларининг услубий-семантик жиҳатларига доир натижалар ўзбек тили тарихи, лексикология ҳамда семасиология учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент, семантик, статистик таҳлил каби усуллар билан асослангани, лексик-семантик мавзу гуруҳларга мансуб луғавий бирликларини изоҳлашда ўзбек тилининг изоҳли луғатига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижалари ўзбек тили семасиологияси, ўзбек тили тарихи, лингвопоэтика ва

соҳавий лексик системанинг тараққий этишида, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти семасиология, ўзбек тили тарихи, лексикология бўлимини ривожлантириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муқимий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шоир асарларидаги арабча, форс-тожикча, русча-байналмилал лексемаларнинг энантиосемик ва ҳосила маъноларининг генетик таркибига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г006-рақамли «Қорақалпоқ халқ кўшиқлари кўлёзма нусхаларини текстологик таҳлил қилиш нашрга тайёрлаш» (3-жилд) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасида (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 9 сентябрдаги 17.01/210-сон маълумотномаси), шунингдек, ФА-А1-Г007-рақамли «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 21 январдаги 17.01/11-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоқ халқ кўшиқлари кўлёзма нусхаларини текстологик таҳлил қилишда айрим матнларнинг аслиятини тиклашга эришилган, луғавий бирликларнинг маъно хусусиятлари бойитилган;

Муқимий лирик шеърларидаги луғавий бирликларнинг шахс, белги, ўрин, пайт маъноли парадигмалари белгиланиб, уларнинг бадиий матн таркибидаги тарихий-функционал ва услубий-семантик хусусиятлари юзасидан олинган хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Фарғона» кўрсатувининг бир қатор сонларида (2021 йил июнь-июль ойларида) унумли фойдаланилган ва тадқиқотчи билан бевосита суҳбат олиб борилган («Фарғона» телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 июлдаги 12-01-98-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортган, мазмунан мукаммаллашиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 2 та, 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Муқимий ижодининг ўрганилиши ва шоир асарларидаги луғавий бирликларнинг генетик таркиби**» деб номланган бўлиб, унда шоир асарларининг бадиий, лингвистик ва матний жиҳатлари борасидаги тадқиқотлар юзасидан баҳс юритилган, мумтоз манбаларнинг тил хусусиятларига оид айрим тадқиқотлар таҳлил этилган.

Таъкидланганидек, Қўқон адабий муҳити вакили Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзи яшаган даврдан бошланган. Ижодкор асарларининг ўрганилишини икки йўналишга ажратиш мумкин:

1. Шоир ижодининг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши.
 2. Муқимий ижодининг ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилиши.
- Юртимизда ижодкор асарларини ўрганишни яна қуйидагича тармоқлаш мумкин:

- а) адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш;
- б) тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш;
- в) матний хусусиятлари асосида ўрганиш;
- г) методик нуқтаи назардан ўрганиш.

Муқимий асарларининг тил хусусиятларига доир дастлабки тадқиқот ўтган асрнинг 50-йилларида Ж.Хамдамов томонидан яратилган бўлиб, диссертацияда шоир асарларининг лексик қатлами таҳлил этилган, асосан русча-байналмилал сўзларга алоҳида эътибор қаратилган⁶.

А.Шомақсудов томонидан яратилган Муқимий сатираларининг тилига доир тадқиқотда⁷ олим шоир сатираларининг тили жуда бой эканлигини таъкидлайди: «Ўз мазмуни жиҳатидан ранг-баранг бўлган турли лексик категорияларни, чунончи, кишиларнинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳунармандчиликка, деҳқончиликка, чорвачиликка, савдо-сотикқа оид сўзларни кундалик ҳаётда фикр олишувга хизмат қиладиган сўзларни, табиатдаги ҳодиса ва манзараларни тасвирлаб берувчи сўзларни, қисқаси умумхалқ тилига оид бўлган луғат бойлигини ва, ниҳоят, санъаткорнинг тилидаги индивидуал ўзига хос белгиларни кўрамыз»⁸.

⁶ Хамдамов Ж. Демократ шоир Муқимий асарларининг луғат состави. Филол.фан.номз. ... дисс. – Самарқанд, 1956.

⁷ Шомақсудов А. Муқимий сатираси тили. Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1968. – Б.151.

⁸ Шомақсудов А. Муқимий сатирасининг тили. Тошкент давлат университети нашриёти. – Тошкент, 1970. –Б.15.

А.Шомақсудов ўз тадқиқотининг объекти сифатида Муқимийнинг ҳажвий асарлари, кўпроқ сатираларини олади. Маълумки, истиқлолгача бўлган даврда бир қатор замондошлари Фурқат, Завқий сингари Муқимий ижоди ҳам фақат ижтимоий мазмундаги шеърлари асосида ўрганилган. Шоирнинг лирик асарлари, жумладан, ишқий, диний-тасаввуфий мазмундаги шеърлари етарлича ёритилмаган.

Ишда Муқимийнинг ғазалларидан йигирматаси танлаб олиниб, генеалогик жиҳатдан ўрганиб чиқилганда, энг катта улушни (37 %) ўз қатлам сўзлари ташкил этиши аниқланди. Мазкур ғазалларда қўлланилган ўзлашмалар ичида форс-тожикча сўзлар 35 %, арабча ўзлашмалар эса 28 % ни ташкил этди. Араб тили ўзлашмалари маъно жиҳатдан кўпроқ мавҳум ҳамда диний тушунчаларни ифодалаш хусусиятига эга⁹. Форс тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлашишида воситачи вазифасини бажарган¹⁰. Мазкур ҳолат шоир асарларида ҳам яққол кузатилади.

Шунингдек, ушбу бобда шоир шеърларидаги луғавий бирликларнинг генетик таркиби таҳлилга тортилиб, ўзлашма сўзларнинг аслий ҳолатлари билан қиёслари ҳам берилди. Мазкур бирликларнинг аслиятга мутаносиблиги, ўзлашиш жараёнида семантик структурасида юз берган ўзгаришлар, шоир асарларида қайси маъноси билан намоён бўлиши ҳам алоҳида ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Муқимий асарлари лексикасининг функционал-семантик тадқиқи**» деб номланади. Ушбу бобда дастлаб шоирнинг лирик асарларида қўлланилган луғавий бирликларнинг семантик таснифи ҳақида фикр юритилган. Шеърлардаги ономастик бирликлар, шахс ва унга боғлиқ номлар, табиатга боғлиқ номлар, «макон» ва «замон», «миқдор» ва «белги» семали ўнлаб лексемаларнинг семантик таркиби очиб берилган. Хусусан, ҳайвон номи билан боғлиқ лексемалар мазмуний уясига мансуб қатор луғавий бирликлар таҳлил этилган. Жумладан, Муқимий ҳайвонларнинг умумий маъносини ифодаловчи зоонимларнинг форс-тожикча вариантдан самарали фойдаланади:

*Каждуму офию бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малах, бўрию даррандалари,
Ўлдурур чақса мабодо кана, газандалари,
Турфа қишлоқ, жин урган они паррандалари,
Товуғи – игначию, ўрдагу гози – капалак.*

(«Ҳапалак қишлоғи тўғрисида»¹¹)

Парчада ҳашаротлар уясига мансуб *гаждум(чаён), бий(қорақурт), мўру малах(чумолию чигиртка), кана, ёввойи ҳайвон уясига мансуб бўри*

⁹ Эшонкулов Б.Х. Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик асимметрияга муносабати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. Б. 11

¹⁰ Алимова З.В. Ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг фонетик, лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. (PhD). ... дисс. автореф. – Фарғона, 2020. Б. 13

¹¹ Муқимий. Асарлар. (Нашрга тайёрловчи: Ғ.Каримов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. Б.354. Кейинги мисоллар ҳам айни нашрдан олиниб, шеър сарлавҳаси қавс ичида кўрсатилади.

лексемалари билан бирга *чарранда* (мол, чорва), *дарранда* (йиртқич ваҳший ҳайвон), *газанда* (ништар урувчи), *парранда* (қуш) каби зоонимларнинг умумий номловчи луғавий бирликларини маҳорат билан қўллайди.

Шахсларнинг касби билан боғлиқ номлар лексик-семантик гуруҳига кирувчи *нонпаз, қассоб, бозбон, меъмор, таржимон, савдогар, мошиначи, ҳофиз, чойфуруш, тижоратчилар, навозанда, созанда, бўёқчи, каллапаз, улоқчи, қароқчи, сувоқчи, темирчи, жаллоб (савдогар), дўкандор, харидор, ҳикматдон, сотқучи, аттор* лексемалари шоир асарларида ўринли қўлланилган.

*Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурга,
Солган қулоқларини эл гап недур билурга,
Бозор аҳли, ҳайрон савдо-сотик қилурга,
Сўйи самога йиглаб косиб фижони чиқди.* («Вексил»)

Парчада шоир яшаган даврда оддий халқнинг моддий турмуш тарзини оғирлаштирган вексель муаммоси ҳақида сўз боради. Халқ шундай қийин аҳволда қоладики, қассоблар сўйиш учун жонлиқ тополмай, ўзини тилишгача борганини таъкидлайди. Бу муболағали тасвир орқали шоир рус истилосининг оддий халққа қилган ноҳақликлари ҳақида куюниб баён қилади.

Муқимий асарларида кийим-кечак номлари ҳам ўзига хос тарзда ишлатилади. Жумладан, *дастор* форс-тожик тилидан олинган бўлиб, «салла», «сочиқ» маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 573¹²). *Дастор* асосан эркакларнинг бош кийими бўлиб, Муқимий асарларида ҳам эркаклар, ҳам аёлларнинг бош кийими сифатида келтирилади:

*Кийган либосларингиз, дасторингиз чиройлик,
Тоза матоларингиз, бозорингиз чиройлик.*

(«Рухсорингиз чиройлик»)

Яна *дастор*нинг «мурассаъ» яъни «зийнатланган», «безатилган» эканлиги ҳам қайд этиладики, биз бу орқали дасторнинг аёллар орасида анча оммалашган бош кийими эканлигини таъкидлашимиз мумкин. ЎТИЛ, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида, М.Асомиддинованинг луғатида ҳам бош кийимни аёлларга нисбат берилганини учратмадик. Ш.Норбаеванинг тадқиқотида дасторга яқин маънони ифодаловчи «бош ўров» луғавий бирлигини учратдик: *Бош ўров* (шимолий туманлар) ҳам ўзига хос бош кийимдир. Бунинг учун бошга дўппи ёки қалпоқ кийилиб, унга саллага ўхшатиб рўмоллар айлантириб ўралган¹³. Демак, *дастор* XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон атрофи аёлларининг ҳам бош кийими сифатида қўлланилган:

*Эрам товуслари, юргилки, рафторингдин ўргулсун,
Бошида ҳам мурассаъ тоъжи дасторингдин ўргулсун.*

(«Ўргулсун»)

¹² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. Бу луғат ЎТИЛ қисқартмаси билан берилади, қавс ичида асар жилди ва саҳифаси кўрсатилади.

¹³ Норбаева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика(монография). –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014. Б.26

Дастор-саллани бугунги кунда асосан диний илмдан хабари бор инсонлар кийишади. Муқимий ижодида ҳам мазкур бош кийим эътиқод, илмли эканлик маъноларини ифодаловчи эталон сифатида ҳам қўлланган:

*Эғнида оқ жомаю дасторлар зоҳир вале,
Қоп-қаро ботинлари деги чўян, Асрорқул.* («Асрорқул»)

Шоир ижодида *дастор* лексемаси умуман илмга қизиқиш, маданиятлилик белгиси сифатида ҳам истифода этилган:

*«Рафқон»ни бозор жойи танг,
Муллолари чаққон, гаранг,
Омилари ҳам мулла ранг
Кўйлак кийиб, дастор экан.* («Саёҳатнома»)

Асосан дарвеш, қаландарларнинг бош кийими бўлган кулоҳ мажозий маънода «дунёга хирс қўймаслик», «нафсни енгиш» каби маъноларда ҳам қўлланилади. Алишер Навоийнинг

*Ҳар гадоким бўриёйи фақр эрур кисват анга
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга,*

деб бошланувчи ғазалида ҳам дарвешлар кийими *бўриё* ҳимматнинг белгиси эканлиги таъкидланган.

Муқимий асарларида *кулоҳ* лексемаси ҳам шу маъноларда истифода этилган:

Кулоҳи фақр тожам, шавкати Доро диҳад табъам.
(«Ашъорҳо дорад»)

Яъни «менинг бошимдаги фақирлик кулоҳи тожимдир, табиатим эса Доро шаъни шавкатидан улуғроқ шаъну шавкатга эгадир». Маълумки, Эрон шоҳи Доро мумтоз адабиётда Искандар номи билан бир қаторда ёдга олинган шавкатли ҳукмдорлардан бири. Ҳар қандай подшоҳнинг асосий зийнати унинг бошидаги тожи билан ҳам белгиланади. Шоирнинг эътирофича, фақирлик кулоҳи дарвеш учун тож билан тенг ва унинг фақирлиги, ҳиммати Доронинг шону шавкатидан ҳам улуғроқдир. Демак, тасаввуфда зоҳирий гўзаллик, ташқи зийнат муҳим эмас, балки инсоннинг қалби, унинг ички олами гўзал, бой бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Ишда кийим-кечак маъноли лексемалардан *бўрк, қайтоқи, жавшан, қабо* каби лексемалар таҳлилга тортилган.

Диссертацияда Муқимий асарларида «макон» семали луғавий бирликларнинг ўрни хусусида ҳам сўз юритилади. Ишда шоир асарларида келтирилган «макон» семали луғавий бирликлар куйидагича таҳлил қилинган:

Умумий «макон» семали лексемалар: *дунё, олам, меҳнатхона, маскан:
Ғофило, фикр айлагил уқбони роҳат истасанг,
Шодлиг кўз тутмаким, бўлмайди меҳнатхонада.*

(«Якка бу Фарғонада»)

Шоир мажозий маънода дунёни «меҳнатхона» деб атайди. Меҳнат бу ерда қийинчилик, ғам-ташвиш маъносида.

«Яшаш» семали локал лексемалар: *қишлоқ, катак, шахр, қулбаи ихзон, кўй (кўча), ватан, салтанат, мулк, ҳавли, ҳужра, айвонча, кўча дарвоза, деҳу қишлоқ.*

Муаллиф *катак* лексемасини ночорлик маъносида қўллайди:

Реза-реза ун каби чарх осиедидан сўнгак,

Тангу торик ўлди олам кўзга монанди катак. («Айрилиб...»)

«Образлардаги бу шаблонликни, сийқаликни сезган шоир унга кичик элемент қўшади («катак») ва дунёни «тор ва қоронги катак»ка ўхшатиб, образда реалликка ва таъсирчанликка эришади»¹⁴.

Ландшафт номлари: *биебон, саҳро, дашт, кўҳсор, кўҳ, дарё, беша(ўрмон), сарҳавз, сангистон, лойлоқ, ҳавз, кўл.*

Муқимий *тошлоқ* лексемаси ўрнига форс-тожикча *сангистон* вариантини қўллайди:

Сайри сангистон, Муқимий, Нодим ила айлагач,

Ўзларидин қилди бизни норизо қийғирчилар. («Қийғирчилар»)

Корхона, муассаса номларини англлатувчи бирликлар: *бозор, газетхона, дўғмахона, завод, уёз (уезд).*

Корхона, муассаса номларини асосан, ҳажвий асарлари, хатларида қўллайди. Жумладан, Муқимийнинг дўсти Фурқатга ёзган мактубларидан бирида Фурқатнинг газетхонага (таҳририятга – Р.Ж.) таржимон бўлганлиги билан табриклайди:

Хатингизда газетхона ишига

Бўлубсиз, қутлуг ўлсун, таржимонлар.

(«Салом, эй меҳрибонлар»)

Луғавий бирликлар «вақт» маъноси асосида махсус микромайдонни вужудга келтиради. Шоир асарларидаги «вақт» семали лексемаларни қуйидаги турларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

Вақт ифодаловчи пайт равишлари: *эртайи кеч, ҳар соат, эрта, рўзу шаб, лайлу наҳор, кеча-кундуз.*

Вақт ифодаловчи пайт равишлари сермахсул қўлланилганлиги билан аҳамиятли. Лирик қаҳрамоннинг маъшуқадан айрилишни хоҳламаслиги, унинг ҳис-туйғулари «вақт» семали бирликлар ёрдамида таъкидланади:

Эрта-ю кеч ҳар маҳал олдинда бўлсам субҳу шом,

Хизматингда айласам қасддан ўзимни чун гулом.

(«Танҳолиғинг»)

Парчада бир-бирига яқин маъноли бир қатор «вақт» семали бирлик келтирилган: *эрта-ю кеч, ҳар маҳал, субҳу шом.* Дастлабки иккитаси бир маънонинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги шакли (*эрта-ю кеч, субҳу шом*), биттаси араб тилидан ўзлашган узлуксизлик, давомийликни ифодалайди (*ҳар маҳал*). Шоир мақсаднинг қатъийлигини қийинчиликка тайёрлик(қуллик) ҳамда «вақт» семали бирликлар орқали(*эрта-ю кеч, ҳар маҳал, субҳу шом*) тасвирланган.

¹⁴ Муқимий. Асарлар. Сўзбоши. (Нашрга тайёрловчи: Ғ.Каримов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. Б.29

Пайт отлари: *ёзу қиш, чилла* (қиш маъносида), *навбаҳор, хазон* (куз), *зимистон*(қиш), *тобистон*(ёз) *субҳ, оқшом, кун, шом, саҳар, азон, зулмат, шабистон*.

Пайт отлари шоир шеърларида миқдоран кўп қўлланган бўлиб, унинг форс-тожикча, арабча вариантларидан кенг фойдаланилганлигини кузатиш мумкин:

*Орзулар гунчаси ҳаргиз очилмас, дер эдим,
Чиқди ҳижрон чилласи, келди баҳорим хайрият.*

(«Хайрият»)

Байтда *ҳаргиз, чилла, баҳор* каби «пайт» семали бирликлар қўлланилиб, пайт оти (*чилла, баҳор*), равиш (*ҳаргиз*), «пайт» семасига эга феъл (*чиқди-тугади* маъносида, *келди*) ёрдамида лирик қаҳрамоннинг хурсандчилиги (маъшуканинг келиши) темпорал маъноли луғавий бирликлар орқали намоён бўлган. Сўз бирикмалари ва сўз(қўшма сўз) *аср вақти, муҳаррам ойи, якшанба кун*.

Муқимий шеърларида вақт маъноли сўз бирикмалари, қўшма сўзлардан ҳам ўринли фойдаланилган:

*Нигоро, аср вақти Исфиҳон кел,
Рақиблар кўрмасун, аммо ниҳон кел.* («Кел»)

Маъшукани чорлаётган лирик қаҳрамон айнан аср вақти келишини айтади ва рақибларнинг кўзи тушишидан хавотир олиб, яширин, ниҳон келишини тайинлайди. Вақт билан боғлиқ бирикмалар асосан маиший мавзуларда, хатларида, кўпроқ қўлланилган, чунки кундалик мулоқотда вақтнинг аниқлиги муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Муқимий асарлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари**» деб номланади. Охириги бобда Муқимий асарларида кўчимларнинг қўлланилиши, шоир ижодида услубий воситалар, шунингдек, фразеологизмлар таҳлили берилди, фикрлар шоир асарларидан келтирилган парчалар орқали изоҳланади.

М.Миртожиев тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора, персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинишини таъкидлайди¹⁵. Муқимий лирик асарларида метафоралардан маъшуқа сифатларининг баёни учун, сатирик асарларида эса ҳажвни бўрттириш мақсадида фойдаланади. Тадқиқот давомида шоир асарларида метафораларнинг юқорида келтирилган уч турининг қўлланилгани аниқланди. Муқимий ижодида оддий метафоралар сифатида *ўқ, ўт, тухм, тийр, закот, нарх, най, ришта, гунча, баҳрин* каби луғавий бирликлар қўлланилган.

Муқимийнинг лирик асарлари, сатираларида услубий воситаларнинг қатор кўринишларини учратиш мумкинки, улар шоирнинг тилимизнинг ажойиб дурдоналаридан юксак маҳорат билан фойдаланганлигини кўрсатади.

¹⁵ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, Mumtoz so‘z, 2010. – Б.97.

Ўхшатиш бадиий тасвир воситаларининг энг кўп тарқалган тури сифатида доимо адабиётшунос ва тилшуносларни қизиқтириб келган¹⁶. «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» муаллифларининг фикрича, «ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади, шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади»¹⁷.

Ўхшатишларнинг миллий менталликни ифодалаш хусусиятидан келиб чиқиб, ишда Муқимий ижодида қўлланилган ўхшатишларнинг миллий-маданий жиҳатларига эътибор қаратилган. «Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўхшатишлари шу халқнинг ўз менталитети, диний ва дунёвий қарашлари, яшаш ҳудуди ва шароитининг ҳар хиллиги билан изоҳланади»¹⁸.

Адабиётларда ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади¹⁹. Муқимийнинг лирик шеърларида *соч – суман, лаб – ақиқ, лаъл, қад – алиф, дол* каби умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар билан бир қаторда индивидуал-муаллиф ўхшатишларидан ўринли фойдаланилган. Бу каби ўхшатишлар шоирнинг бадиий-поэтик талқини, бадиий диди маҳсули сифатида юзага келган ўхшатиш бўлиб, оригиналлиги, янгича талқини билан кишини ўзига жалб қилади.

Муқимийнинг ўхшатиш ҳосил қилишдаги маҳорати оддий, лекин бетакрор. Шоир ўхшатиш эталонларини табиатдан, кундалик турмушнинг ўзидан топа олганки, беихтиёр кишини хайратда қолдиради. Жумладан, ғазалларидан бирида ошиқнинг ҳолати «бир илон чаққан киши»га ўхшатиш берилган. Маълумки, илон чаққанда инсоннинг бутун танасида кучли оғриқ бўлиши кузатилади. Шоир эса ошиқ руҳий ҳолатининг ифодаси сифатида мазкур қиёсдан фойдаланади:

*Оҳким сенсиз қарору, сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.*

(«Ақлу хуш»)

Бу ўринда *илон чаққан кишидек* шоир томонидан турғун ўхшатишга ижодий ёндашиш ҳисобига индивидуал-муаллиф ўхшатиши ҳосил қилинган. «Маъшуқасиз беқарор, сабру қароридан мосуво бўлган ошиқ кечинмалари тасвирланар экан, шоир унинг аҳволини илон чаққан кишига ўхшатади. Бу халқона ташбеҳ лирик қаҳрамон руҳий оламини кўз олдимизда

¹⁶ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976; Худайберганаева Д.С. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1989; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3.–Б.19-24; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ / Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2017. – Б.166-175; Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000; Усмонов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

¹⁷ Маҳмудов Н., Худайберганаева Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.5.

¹⁸ Ашуров Д. «Алломиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Наманган, 2021. Б.12.

¹⁹ Маҳмудов Н., Худайберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. Б.5.

жонлантириши билан бирга ижодкорнинг ноёб топилмаси сифатида алоҳида қимматга эгадир»²⁰. Луғатда бу ўхшатиш «илон чаққандай» шаклида берилиб, «каттиқ сесканмоқ», «бирдан кўрқиб кетмоқ», «кутилмаганда кескин ҳаракат қилмоқ» семалари орқали изоҳланади²¹, унда «кутилмаган хавф-хатар» семаси бўртиб кўринади. *Илон чаққан кишидек* ўхшатишида эса илондан жабрланган кишининг жисмоний ва руҳий ҳолати орқали ошиқнинг ҳар тарафга тўлғаниб, азобланиб, дард чекаётганлиги тасвирланади. Бу ўринда илоннинг чақишига ўхшатиш анъанавийлик касб этади, бироқ илон чаққан кишига ўхшатиш эркиндир.

Ижодкор асарларининг эл ичида шуҳрат қозонишига сабаб асарлари тилининг содда, услубининг халқона ифодаси, қочиримларга бойлигидир. Таҳлиллар давомида шоир асарлари тилида бир қатор фразеологик иборалар ҳамда мақоллар кўплаб учради. Жумладан, шоир бирор «янгилик, хушхабар эшитиш» маъносида қўлланилувчи *кўз учмоқ* фраземасидан маъшуканинг меҳмонга келиши хушхабарини ифодалаш мақсадида фойдаланади:

*Бу кун ногаҳ мунаввар шомими айларга эй аҳбоб,
Кўзим учгай магар меҳмон келур мастона-мастона.*

(«Жонон келур»)

Муқимий баъзи фраземаларнинг вариантларини ҳам қўллайди. Масалан, *бармогини тишламоқ* фраземасининг маъноси «афсус қилмоқ, аттанг демоқ», «лол қолмоқ, ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолмоқ, хаёл сурмоқ» (ЎТИЛ, II, 455) бўлиб, бу фразема *ангуштини тишламоқ* (*ангўшит* форс-тожикча бармоқ дегани) тарзида ифодаланади:

*Ой чиқар сен ҳам ниқоб оч бу кеча кўрсат юзунг,
Тишласун ангушти ҳайрат эл қилолмай имтиёз.*

(«Эй сарвиноз»)

Шоирнинг машҳур «Ким десун?» радибли ғазалида ёрнинг жафокорлиги, эътиборсизлигидан ёзғираётган ошиқ кечинмаларини ифодалаш мақсадида мақоллардан маҳорат билан фойдаланилган:

*Ўз кўмочига масалким тортадур кул ҳар киши,
Бас куюб ишқида чеккан изтиробим ким десун?*

(«Ким десун?»)

«Ҳар ким ўз кўмочига кул тортади» мақоли «Ўз манфаати учун ишламоқ; ўзига ўзи қайғурмоқ» маъносида қўлланади. «Кўмач» («кўмоч») ноннинг бир тури бўлиб, «иссиқ кулга кўмиб пиширилади» (ЎТИЛ, V, 455). Табиийки, ҳамирнинг устидаги кулнинг иссиғи қанчалик яхши бўлса, шунча яхши пишади. Гуруҳ бўлиб пиширилганда эса, ҳамма ўз кўмачини тезроқ, яхшироқ пишириш учун устига кўпроқ кул йиғади. Мақол ана шу ҳолатдан келиб чиқиб ҳосил бўлган. Байтда мақол ошиқнинг ишқ кўйида бир ўзининг чекаётган изтиробини ифодалаш мақсадида қўлланилган.

Муқимий асарларида фразеологизмлар, мақолларнинг қўлланилиши фикрни содда, лўнда, таъсирчан тарзда етказиш имконини берган, эмоционал-экспрессивликни оширишга хизмат қилган, муаллифнинг бадиий мақсадини тўлиқ тушунишга ёрдам берган.

²⁰ Матёкубова Т. Ўзбек халқининг мўътабар шоири // Тил ва адабиёт таълими. 2010. 2-сон. Б.70.

²¹ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. Б.95.

ХУЛОСА

1. Мустақиллик йилларига қадар Қўқон адабий муҳитининг йирик вакили бўлган Муқимий ижоди фақат ижтимоий фикрлари баён қилинган ҳажвий асарлари, ижтимоий мазмундаги шеърларига эътибор қаратилиб, ишқий, диний-тасаввуфий мазмундаги лирик шеърлари тадқиқотларда кенг ёритилмаган.

2. Муқимий адабий меросини ўрганиш ҳаётлик чоғиданоқ бошланган бўлса-да, шоир асарларининг тил хусусиятлари монографик аспектда етарлича тадқиқ этилмаган. Ижодкорнинг асосан сатирик асарлари тил хусусиятлари ўрганилиб, шоир лирик меросининг лингвистик жиҳатларига кам эътибор қаратилган.

3. Муқимийнинг демократ шоир сифатида ўрганилиши натижасида умумтаълим мактабларида ҳам асосан сатирик асарларининг киритилиши, ижодкорнинг бадиий жиҳатдан пишиқ лирик ғазаллари, мухаммасларининг дарсликларга киритилмаганлиги шоир ижодиётини бирёқлама талқин этишга олиб келди.

4. Шоир асарлари тилини семантик жиҳатдан шакллантиришда лексикасининг генеалогик ранг-баранг эканлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзлашма лексемаларни аслият билан муқояса қилиш семантик ўзгаришларни аниқлаш билан бирга, сўз санъаткорининг маҳоратини белгилашга йўл очади.

5. Муқимий асарларида қўлланилган луғавий birlikларнинг семантик хусусиятларини тадқиқ этиш орқали уларнинг матн таркибида янги маъно касб этиш, образлилиқни кучайтиришга хизмат қилганлигини кўрсатиб беради.

6. Муқимий ўз ҳаёти билан боғлиқ реал воқеаларни тавсифлаш эҳтиёжи юзасидан топоним, антропонимлардан ўринли фойдаланганки, бу асарда тасвирнинг жонли ва ишонарли чиқишига сабаб бўлган.

7. Муқимий асарларида қўлланилган кийим-кечак номларини семантик гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш шоир лексикасининг ранг-баранг эканлигидан далолат беради ва шоир яшаган давр ижтимоий ҳаётини тасвирлашда ҳам муҳим восита бўла олади.

8. Ижодкор асарларида қўлланилган зоонимлар, «макон», «замон» сингари семали луғавий birlikларнинг тадқиқ этилиши ҳам ўзбек тили лексикаси учун қимматли маълумотларни беради.

9. Шоир халқона ифодалар воситасида ўхшатишларнинг ноёб намуналарини табиатдан, маиший турмушнинг ўзидан топа олган. Бу, албатта, Муқимий ижодининг халқчиллигини ва бадиий жиҳатдан юксалишини таъминлашга хизмат қилган.

10. Ижодкор шеърларини халқ тилига яқинлаштирган воситалардан бири бу фразеологизмлардир. Унинг асарларининг эл ичида шуҳрат топишига сабаб асарларининг содда услуби, халқона ифода, қочиримларга бойлиги билан белгиланади.

11. Муқимий асарларининг лексик-семантик ва функционал-услубий хусусиятларини тадқиқ этиш тилшунослиқда мумтоз ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек адабий тилига хос умумий ва фарқли жиҳатларни очишга, тил тараққиётидаги муҳим ўзгаришларни аниқлашга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КОКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМ. МУКИМИ**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЖУРАЕВА РАМЗИЯ АБДУРАХИМОВНА

**ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ МУКИМИ**

10.00. 01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Коканд – 2022

УЎК: 811.512.133'37
821.512.133.091

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2021.1. PhD/Fil 1543.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ksri.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Искандарова Шарифа Мадалиевна доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Курбонова Мухаббат Матёубовна доктор филологических наук, профессор Худойбергана Дурдона Сидиковна доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	Урганч государственном университете

Защита диссертации состоится «27» май 2022 году в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/04 05 2021 Fil 132 01 при Кокандском государственном педагогическом институте им. Мукамии (Адрес: г. Коканд, ул. Турон, дом 23. Тел.: +99873-542-11-43, e-mail: ksri_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Кокандского государственного педагогического института им. Мукамии (зарегистрирована за № 7). Адрес: г. Коканд, ул. Турон, дом 23. Тел.: +99873-542-11-43, e-mail: ksri_info@edu.uz

Автореферат диссертации разослан «12» май 2022 года
(Реестр протокола рассылки № 7 от «12» май 2022 года)




Д.А.Набиева
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени,
доктор филол. наук, профессор


В.В.Каримова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени,
PhD


Д.М.Жамолiddинова
Заместитель председателя
научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой
степени, доктор филол. наук,
доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из отдельных направлений мировой лингвистики является изучение текста классических художественных произведений с этимологической, статистической точек зрения, в том числе совершенное изучение их лексико-семантических особенностей в диахроническом и синхроническом аспектах. При определении статуса лексем, использованных в классических литературных источниках, важно разделить эти единицы на лексико-семантические группы, показать историческое развитие словарных единиц, исследовать их стилистические особенности.

Актуальными вопросами современной мировой лингвистики являются ономастологический подход к языковым единицам, имеющим формально-семантическое значение, освещение их функционально-стилистических аспектов путем деления их на семантические группы, изучение функциональных особенностей лексических единиц, использованных в творчестве конкретного поэта, определение оснований их деления на разные семантические группы, тщательное исследование лексем, принадлежащих к каждой семантической группе, изучение особенностей их проявления в речевом процессе.

В годы независимости в результате повышенного внимания в нашей стране вопросу пропаганды лингвистических, просветительно-художественных особенностей классических литературных источников все больше расширяется тематика исследований. В частности, проводится масштабная работа по исследованию литературно-художественных и лингвистических особенностей классических текстов, являющихся неотъемлемой частью нашей духовности. Наряду с этим: «...нам необходимо повысить эффективность научных исследований, посвященных особенностям, диалектам, историческому развитию узбекского языка, его перспективам, кардинально улучшить качество подготовки кадров»²². Поэтому изучение наследия наших предков, анализ особенностей литературного языка и доведение его до широкой публики – одна из основных и актуальных задач нашего времени. Лирические и юмористические произведения, художественный язык видного представителя кокандской литературной среды Мухаммада Аминходжа Мирзаходжа огли Муками стали достойным вкладом в развитие узбекской литературы и языка периода просветительства, и исследование художественного наследия творческой личности на лингвопоэтической основе, раскрытие лексико-семантических и функционально-стилистических особенностей, присущих произведениям поэта, является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан:

²² Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 21 октябрь, 2019 йил

Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–4479 от 4 октября 2019 года «О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке», Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране», а также в других нормативно-правовых документах Республики Узбекистан, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социально-правовом, экономическом, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Изучение жизни и творчества Мухаммада Аминходжи Мирзаходжа оглы Муками, представителя кокандской литературной среды, началось еще при его жизни. В первой четверти прошлого века ученые Н.Остроумов, Г.Гулям, Х.Зарифов, А.Олимджанов, Г.Каримов осуществили исследования, посвященные жизни и творческой деятельности поэта²³. В частности, исследование Г.Каримова

